

**БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ БУДЖЕТИ
ДАРОМАДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Тошанов Шухрат Жонтемир ўғли

Иқтисодиёт (Тармоқлар ва соҳалар бўйича)''

мутахассислиги магистранти.

Бекмуродов Нурали

Илмий раҳбари

Аннотация: *Ҳозирги кунда мамлакатимизни ижтимоийиқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб жиҳатларидан бири бу иқтисодиётда кенг қамровли олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар ҳисобланади. Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнида бу ислоҳотларнинг давлатнинг иқтисодий сиёсатига таъсири нафақат иқтисодий сиёсатни янада эркинлаштириш, балки молия тизимини тубдан ўзгартириш учун глобаллашув ёки дунёда кечаётган сурункали молиявий-иқтисодий инқирозлар оқибатларини ҳисобга олишдан ҳам иборатдир.*

Калит сўзлар: *бозор, бозор бюджети, ижтимоий ривожланиш.*

Бу эса мамлакат тараққиётининг бугунги босқичида иқтисодиётни модернизация қилиш ва ижтимоийиқтисодий ривожлантиришда амалга оширилаётган ислоҳотлар янада чуқурлашаётган ҳозирги даврда, давлат молиясини бошқаришда чуқур ўзгаришларга эришишнинг бугунги асосий талабларини қўяди. Жамият аъзоларининг ижтимоий эҳтиёжларини маблағ билан таъминлаш учун мустаҳкам моддий асосни яратиш зарур, лекин Давлат бюджети даромадларисиз бунга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Давлат бюджетининг даромадлари (давлат солиқлари ва бошқа носолиқ тушумлар) тушумининг барқарорлиги мамлакат иқтисодиёти ва унинг ижтимоий соҳаси ҳолатини тавсифлайдиган энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, Давлат бюджетида тўпланаётган маблағлар давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзўзини бошқариш органлари фаолиятининг тегишли функция ва вазифаларининг бажарилишини таъминлайди. Давлат бюджетининг самарали ижросини таъминлаш, биринчи навбатда, бюджет даромадларининг си фатли ижроси билан боғлиқ. Давлатнинг узоқ муддатли харажатларини (инвестициялар, узоқ ва ўрта муддатли ижтимоий лойиҳалар) самарали ва оқилона амалга

ошириш давлат ихтиёрига молиявий маблағларнинг барқарор равишда келиб тушишини талаб этади. Шунинг учун ҳам иқтисодчи олимлар (Дж.Кейнс, С.Даннингер, М.Кангиано ва бошқалар) бюджет даромадлари мамлакат бюджет-солиқ тизимининг асосий омиллардан бири эканлигини таъкидлаб, бюджет даромадлари ижроси бюджетда, жумладан, бюджет харажатлари ва бошқарувида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради, деганлар.

2014 йил Давлат бюджети даромадлари тўғри

ежалаштирилмаганлиги оқибатида баъзи Европа мамлакатларида тасдиқланган бюджет параметрлари қайта кўриб чиқиладиганлиги ва бу билан боғлиқ қатор муаммолар юзага келаётганлиги ушбу фикримизнинг яна бир тасдиғидир (Греция, Голландия, Болгария, Руминия ва бошқаларда). Шунинг учун ҳам Давлат бюджети даромадларининг ижросини белгиланган тартибда ва миқдорларда таъминланишини такомиллаштириш давр талабидир. Давлат бюджети даромадларининг ижросини такомиллаштиришнинг истиқболли йуналишларидан бири, биринчидан, бу давлат бюджетининг даромадлар қисмини ғазна ижроси билан қамраб олиш, иккинчидан, давлат бюджети даромадлари тақсимланишининг амалдаги тартиботларини такомиллаштириш ва учинчидан, давлат бюджетининг ғазна ижросида даромад тушумларини янгиланиб борувчи кассали режалаштиришдан иборатдир.

Бугунги кунда Давлат бюджети даромадлар тушуми банк муассасалари томонидан давлат солиқ органларининг транзит ҳисобрақамларида тўпланиб, Молия вазирлигининг республика ягона ғазна ҳисобрақамига ва маҳаллий бюджетлар учун очилган ғазна ҳисобрақамларга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида тақсимланиб, ўтказиб берилиши таъминланиб келинмоқда (1-чизма). 1-чизмадан кўришимиз мумкинки, республикада ғазначилик тизимининг ҳозирги амалиётида Молия вазирлигининг Ғазначилиги «Республика ягона ғазна ҳисобварағи» ҳамда ҳудудий ғазначилик органларининг «Ҳудудий ғазна ҳисобварақлари» орқали давлат бюджети ижроси таъминланмоқда.

Ўз навбатида, бу механизмнинг бир қатор ўзига хос камчиликлари мавжуд. Жумладан:

- бюджет ресурсларини бошқаришдаги тезкорликнинг сустлиги;
- бюджет даромадлари тўғрисидаги ахборотларнинг етарли даражада оператив (тезкор) ва аниқ эмаслиги;

- маблағларнинг корхона ва ташкилотлар бўйича алоҳида ҳисоботи ва таҳлилининг йўқлиги;

- давлат бюджетига даромад тушумларининг ўз вақтида келиб тушмаслиги натижасида бюджет ижроси тизимида турли номутаносилик ва касса узилишлари содир бўлаётганлиги;

- ҳудудий ғазначилик органларида бюджет маблағларини ғазначилик дастурида тўғри ҳисобга олувчи кадрларга эҳтиёж сезилаётганлиги.

Даромадлар касса режаси кутилаётган даромадлар ва уларнинг келгусидаги ўзгаришлари тўғрисида фараз қилиш имконини беради. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқорида берилган таклиф ва тавсиялар мамлакатни ижтимоийиқтисодий ривожлантиришда амалга оширилаётган ислоҳотларда давлат молия тизимини иқтисодиётни ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартибга солишда асосий воситага айлантиришга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

2. Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 17 июнда 2112-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 1 февралда 2320-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).